

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХАЛИКУЛОВА ГУЛЗАДА ТАДЖИМУРАТОВНА

**СУҒУРТА ТИЗИМИ ВА УНИ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Халикулова Гулзада Таджимуратовна Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмини такомиллаштириш.....	3
Халикулова Гулзада Таджимуратовна Страховая система и совершенствование механизма ее осуществления.....	29
Khalikulova Gulzada Tadjimuratovna Insurance system and improvement of the mechanism of its action.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХАЛИКУЛОВА ГУЛЗАДА ТАДЖИМУРАТОВНА

**СУҒУРТА ТИЗИМИ ВА УНИ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt158. рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва “ZiyoNET” таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кузиева Наргиза Рамазановна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Урмонов Жаҳонгир Жалолдинович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй. Тел.:(99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

И.Н. Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

С.У. Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ж.И. Каримқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиёти ва глобал молия тизимининг узлуксиз ривожланиши шароитида суғурта тизими ва унинг асосий компоненти, суғурта бозорининг аҳамияти ортиб бормоқда. Биринчидан, жаҳон амалиётида суғурта тизими маълум бир фондларни шакллантириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини қайта тақсимлаш муносабатлари орқали иқтисодиётда инвестицияларнинг энг катта манбаларидан бири ҳисобланади. Иккинчидан, суғурта замонавий иқтисодиётда мураккаб ва ўсиш тенденциясига эга бўлган рискларни бошқаришнинг асосий шаклларида биридир. Бундан ташқари, суғурталанган шахснинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш доимий равишда такрор ишлаб чиқариш жараёнини юзага келтиради, бу эса иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, “замонавий глобал суғурта бозорининг умумий айланмаси 2,4 трлн. АҚШ долларини ташкил этади”¹. Ривожланган давлатлар тажрибаси ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этишда суғуртанинг ролини ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Суғурта тизими ва уни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича халқаро амалиётда кенг қамровли тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотлар суғурта тизимини тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали шакли сифатида, шунингдек, суғурта компаниялари томонидан миллий иқтисодиётга инвестиция киритиш учун маблағларни жалб қилиш усули сифатида кўриб чиқади. Лекин бугунги кунда суғурта тизимининг иқтисодий моҳияти ва фаолият механизмини таҳлил қилиш, мамлакатда суғурта тизимининг институционал муҳитини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва суғурта тизимини амалга ошириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Суғурта тизими ва уни амалга ошириш механизмининг самарадорлигини оширишга асосланган сифат кўрсаткичлари тизимини замон талаблари асосида шакллантириш асносида суғурта тизимини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Ҳусусан, “...банк ва молия тизимида ислохотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш”² устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмини самарадорлигини оширишга асосланган сифат кўрсаткичлари тизимини замон талаблари асосида шакллантириш ва суғурта ташкилотларининг бизнес жараёнлари самарадорлигини оширишни тақозо этади.

¹ <https://www.louisepryor.com> - Enhanced capital requirements and Individual Capital Assessments Insurers; Comite Europe des Assurances.pdf.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 28 декабрь 2018 йил, www.uza.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари ва ушбу соҳадаги бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмининг иқтисодий характерини ўрганиш, суғурта муносабатлари шаклланиш тарихи ва иқтисодий мазмунига оид умумназарий мулоҳазалар, айрим назарий, услубий ва амалий жиҳатлари хорижий олимлар Н.Г. Адамчук, И.Л. Логвинова, Л.А. Орланюк-Малицкая, И.В. Орлова, К.Е. Турбина, А.А. Цыганов, Г.В. Чернова, С.А. Чудинов, Р.Т. Юлдашев, Р.М. Аскар, С.С. Диакон, Ч.С. Скаворм, Р.Р. Сойтс, П.Т. Чеччиниларнинг³ илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Ҳ.И. Боев, С.С. Ғуломов, Ж.Б. Боева, Р.Ҳ. Ҳусанов, А.А. Ядгаров, М.Х. Ходжаева, М.Т. Асқарова, Т.М. Баймуратов, А.С. Нуруллаев, Х.М. Шеннаев, Б.Б. Ашрафханов, М.М.

³Адамчук Н.Г. Мировой страховой рынок на пути к глобализации. / Н.Г. Адамчук. – М.: РОССПЭН, 2004. – 591 с.; Логвинова И.Л. Взаимное страхование как метод создания страховых продуктов в экономике. / И.Л. Логвинова. – М.: Анкил, 2010. – 248 с.; Орланюк-Малицкая Л.А. Страхование: Учебник / Л.А. Орланюк-Малицкая. — М.: Юрайт, 2010. – 828 с.; Орлова И.А. Страхование в странах БРИК. / И.А. Орлова // Управление в страховой компании. 2009. № 2. – С. 46.; Турбина К.Е. Тенденции развития мирового рынка страхования. / К.Е. Турбина. – М.: Анкил, 2000. – 320 с.; Цыганов А.А. Современные механизмы регулирования рынка страховых услуг. / А.А. Цыганов, Е.И. Васильев. – М.: РАГС при Президенте РФ, 2004.; Чернова Г.В. Основы экономики страховой организации по рисковому виду страхования. / Г.В. Чернова. – С.Пб., Питер, –2005. – 240 с.; Чудинов С.А. Налогообложение страховой деятельности в ведущих странах Европейского Союза. / С.А. Чудинов. // Страховое дело. 2010. № 5. С. 52.; Юлдашев Р.Т. Очерки теории страхования. Ретроспективный анализ развития. / Р.Т. Юлдашев. – М.: Анкил, 2009. – 248 с.; Ascari R. Is Export Credit Agency a Misnomer? The EC A response to a changing world / R. Ascari, CFO of Sace. Working Paper 02. February 2007.; Scawthorn C. Asian Catastrophe Insurance. / C. Scawthorn, K.Kobayashi. - 2008. April. - 165 p.; Thoys R. Insurance theory and practice / R. Thoys. - 2010. - 340 p.; Cecchini P. The Incomplete European Market for Financial Services (ZEW Economics Studies 19.) / P. Cecchini, Jopp F. Heinemann. 2003. – 187 p.

Мирсадиков, Қ.М. Қўлдошев, И.Х. Абдурахмоновлар⁴ суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг баъзи йўналишларини таҳлил қилишган. Мамлакатимиз олимларининг ишларида суғурта муносабатларининг ўз-ўзини тартибга солиш жараёнлари, суғурта тизими бозор инфратузилмасининг таҳлили етарли даражада таҳлил қилинмаган. Суғурта бозорининг миқдор кўрсаткичларини кўриб чиқиш унинг тузилмаси ва ташкилий-ҳуқуқий шаклини таҳлил қилиш билан кифояланади. Жадал суръатлар билан ривожланаётган суғурта бозорида суғурта тизимининг амал қилиш механизми, суғурта шартномаларини расмийлаштиришда бизнес жараёнларини ташкил этиш етарли даражада ёритилмаган. Бу эса ушбу мавзунини янада тадқиқ этиш зарурлигини аниқлатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ОТ-Ф1-54. “Ўзбекистонда суғурта фаолиятини модернизация қилишнинг самарали йўналишларини шакллантиришнинг фундаментал асослари” мавзусидаги давлат гранти ҳамда Тошкент молия институтининг “Иқтисодий-модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда инновацион иқтисодий-ривожлантириш шароитида мамлакат суғурта тизимининг амал қилиш механизмини такомиллаштириш ҳамда миллий иқтисодий-тадқиқот суғурта муносабатларини ривожлантириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғурта жараёнларининг таркибий-функционал таҳлил тамойилларига асосланиб ўрганиш, тадқиқот натижалари асосида “суғурта тизими” тушунчасини такомиллаштириш, суғурта тизими ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиқ бериш;

Ўзбекистон суғурта тизимининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва шартларини аниқлаш;

4 Боев Ҳ.И. Суғурталаш. “Адабиёт жамғармаси” нашриёти, 2005. –75 б.; Ғуломов С.С., Боев Ҳ.И., Боева Ж.Б. Валюта, кредит, молия ва суғурта муаммолари. – Мехнат; 1998. –116 б.; Ҳусанов Р.Ҳ., Ядгаров А.А. Бозор иқтисодий-шароитида суғурта тизими. –Т., Янги аср авлоди; 2005. –79 б.; Ходжаева М.Х. Суғурта фаолияти бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг ҳозирги аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари. Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т., 2001, – 30 б.; Асқарова М.Т. Развитие системы страхования в обеспечении экономического роста в условиях рыночных преобразований в Республики Узбекистан. Автореферат дисс. ... на соис.учен. степ. к.э.н. Институт экономики АН РУз., 2003. – 32 с.; Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т., 2004 й. –25 б.; Нуруллаев А.С. Ўзбекистонда фермер ва деҳқон хўжалиқларини суғурталаш масалалари. Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т.: 2007 й. – 28 б.; Шеннаев Х.М. Суғурта агентлари учун қўлланма. –Т.: infoCOM.UZMЧЖ, 2010. – 206 б.; Ашрафханов Б., Мирсадиков М. Развитие страхового законодательства Республики // Рынок, деньги и кредит. –Т., 2002, № 11-12. – 30 б.; Қўлдошев Қ.М. Суғурта бозори. Ўқув қўлланма. – Т.:Молия-иқтисод., 2011. – 65 б.; Абдурахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т., 2010 й. – 26 б.

халқаро тажриба асосида Ўзбекистон суғурта тизимини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш ва фаоллаштириш механизмини таклиф қилиш;

замонавий электрон-рақамли иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланиш истиқболларини аниқлаш;

суғурта фаолиятида инновацион суғурта маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқиш;

замонавий халқаро стандартларга мувофиқ суғурта компаниясининг бизнес жараёнларини лойиҳалаштириш учун ёндашувларни таклиф этиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон суғурта тизими ва мамлакатда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг бизнес жараёнлари билан боғлиқ фаолият ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети суғурта тизими ва унинг амал қилиш механизмини такомиллаштириш жараёнида молиявий-иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида назарий билимлар ва ҳулосаларни шакллантириш учун абстракт-манتيқий ва кузатиш усулидан фойдаланилди. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар суғурта тизими ҳолатини таҳлил қилиш учун таққослаш, анализ ва синтез, тарихий ва манتيқий ёндашув, график усулидан фойдаланилди. Суғурта компаниясининг бизнес-жараёнларини лойиҳалаштириш учун замонавий дастурий таъминот маҳсулотлари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий суғурта андеррайтингида бизнес-жараёни воситаларидан фойдаланган ҳолда миқдорлар билан шартномани расмийлаштириш услуги такомиллаштирилган;

суғурта ташкилотларида зарарлилик даражасини камайитиришда инжиниринг ва реинжинирингни қўллашнинг методик базаси концептуал ёндашувлар асосида такомиллаштирилган;

суғурта портфелини диверсификация қилиш ва концентрация даражасини аниқлашнинг сифат ва миқдорий таҳлили асосида суғурта бозори ва суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш асосланган;

суғурта ҳодисаси бўлишининг эҳтимолий нарх кўрсаткичларини шакллантириш имконини берувчи суғурта маҳсулотларига телематик тизимни жорий қилиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

суғурта жараёнлари таркибий-функционал таҳлил тамойилларига асосланиб ўрганилган, тадқиқот натижалари асосида “суғурта тизими” тушунчасига муаллифлик таърифи берилган, мамлакатда суғурта тизими ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти очиқ берилган;

суғурта тизими фаолиятининг аҳамиятини белгилаб берувчи макро ва микродаражадаги омиллар аниқланган ва асослаб берилган;

миллий суғурта бозорида инновацион суғурта маҳсулотларини жорий қилиш истиқболлари ёритиб берилган;

халқаро тажриба асосида суғурта тизимини ривожлантириш йўналишлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон суғурта тизимини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари ўрганилган ва уларни бартараф этиш йўллари белгиланган;

замонавий халқаро стандартларга мувофиқ суғурта компаниясининг бизнес-жараёнларини лойиҳалаштириш учун инновацион ёндашувлар таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, суғурта фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, суғурта ташкилотларининг расмий эълон қилинган маълумотлари ва молиявий ҳисоботлари, мамлакат ва хорижий олимларнинг эксперт баҳолари ва ишланмалари, интернет тармоғида тақдим этилган расмий маълумотлардан фойдаланилганлиги ҳамда хулоса ва таклифларнинг тегишли суғурта ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғурта тизими ва унинг амал қилиш механизмининг такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг суғурта ташкилотлари фаолиятига татбиқ этилиши, суғурта ташкилотларида амалга оширилаётган бизнес жараёнлар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмининг такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмининг такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

замонавий суғурта андеррайтингида бизнес-жараёни воситаларидан фойдаланган ҳолда мижозлар билан шартномани расмийлаштириш услубини соддалаштириш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмасининг 2019 йил 16 июлдаги 139-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида суғурта ташкилотларида иш ташкил этиш натижасида суғурта маҳсулотларини сотиш жараёни оптималлаштирилган ва 2018 йилда суғурта мукофотлари миқдори 1,6 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 76,3 фоизга ошган;

суғурта ташкилотларида зарарлилик даражасини камайтиришда инжиниринг ва реинжинирингни қўллашнинг методик базаси такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал

иштирокчилари уюшмаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмасининг 2019 йил 16 июлдаги 139-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф суғурта шартномаларини тузиш ва хизмат кўрсатиш харажатларини 36 фоизга камайтирган ва 2018 йил 1 октябрдан 2019 йил 31 мартгача бўлган вақт мобайнида тежалган сумма 78 млн. сўмни ташкил этган;

суғурта бозори ва суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича берилган таклиф “ALSKOM” суғурта компанияси акциядорлик жамияти томонидан амалиётга жорий қилинган (“ALSKOM” суғурта компанияси акциядорлик жамиятининг 2019 йил 16 июлдаги 08-1101-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида компаниянинг суғурта портфели диверсификация қилинган ва молиявий барқарорлик таъминланган;

суғурта ходисаси бўлишининг эҳтимолий нарх кўрсаткичларини шакллантириш имконини берувчи суғурта маҳсулотларига телематик тизимни жорий қилиш таклифи “ALSKOM” суғурта компанияси акциядорлик жамияти томонидан амалиётга жорий қилинган (“ALSKOM” суғурта компанияси акциядорлик жамиятининг 2019 йил 16 июлдаги 08-1101-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалда қўлланилиши натижасида суғурта компаниясига суғурта телематикаси киритилган ва суғурта ташкилотида “ақлли суғурта” маҳсулотлари жорий қилинган. Ушбу суғурта турини жорий этишда компания 9,285 млн. сўм сарф қилиши натижасида 2019 йил 6 ойлигида умумий суғурта мукофотларидан тежалган сумма 128 млн. сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 28 та, жумладан 22 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, шулардан 1 та монография, 1 та Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Суғурта тизими ва уни амал қилиш механизмининг назарий ва услубий асослари”** деб номланган бўлиб, суғурта тизимининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари борасидаги илмий-назарий қарашлар қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган ҳамда суғурта тизими ва унинг амал қилиш механизмининг назарий асослари кўриб чиқилган ва суғурта тизимининг амал қилиш механизми ҳуқуқий асослари ва давлат томонидан назоратининг зарурлиги ва аҳамияти тадқиқ қилинган. Суғурта тизими амалга оширилишининг асосий шарти суғурта хизматларига бўлган талабнинг мавжудлиги ва суғурталовчилар бу талабни қондириш имкониятига эга бўлишлари билан тавсифланади.

Суғурта тизимини назарий жиҳатдан тадқиқ этишда суғурта ва суғурта фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, суғурта жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилувчи самарали восита сифатида инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган.

Суғурта муносабатларини ривожлантириш замонавий иқтисодий тизимлар фаолиятини олиб боришда стратегик муҳим вазифа ҳисобланади. Барқарор суғурта тизими миллий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиради. Шу муносабат билан, авваламбор, миллий иқтисодиётдаги молиявий хизматлар бозорининг ривожланишига қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилиш, суғурта соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш билан бирга суғурта тизимини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини ўрганиш бўйича йўналишларни аниқлаб олиш зарурати туғилади.

Замонавий иқтисодий адабиётда кўплаб тадқиқотлар суғурта бозори ривожланишининг миқдорӣ кўрсаткичлари ва суғурта муносабатларини тартибга солиш усуллари таҳлил қилиш билан боғлиқ. Суғурта тизимини тадқиқ қилиш масалаларига бағишланган тадқиқотлар ичида қуйидаги хорижий муаллифларнинг “суғурта тизими” атамасининг талқинларига алоҳида эътибор бериш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунга келиб “суғурта тизими” ва “миллий суғурта тизими” атамалари тобора кўп адабиётларда учрамоқда. Олиб борилган таҳлиллар натижаси “суғурта тизими”нинг иқтисодий моҳиятини ўрганишнинг учта асосий йўналишини аниқлаш имконини берди.

1. Биринчи йўналишда суғурта тизими (В.В. Шахов, А.О. Таракуцяк, В.И. Плис, М.А. Грушанина) мураккаб, кўп омилли ва суғурта ташкилотлари асосий тузилма сифатида кўриб чиқилади. Суғурта тизими рисклилиги туфайли мураккаб ҳисобланади ва унинг ўзига хослиги унинг ўзи ҳам турли рисклардан ҳимоя воситаси эканлиги ва бир вақтнинг ўзида иқтисодий агентларнинг инвестицион фаоллигида намоён бўлади.

Аmmo ҳозирда бундан ташқари тизимнинг амал қилиши, давлатни тартибга солиш жараёнлари ва суғурта тизимини ўзини-ўзи бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш асосларини ҳисобга олиш керак. Шунини айтиб ўтиш жоизки, суғурта тизимининг иқтисодий мазмунини фақатгина суғурта бозори нуқтаи назаридан кўриб чиқиш етарли эмас.

2. Иккинчи йўналиш суғурта тизимини суғурта муносабатларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий шакли сифатида кўриб чиқади, бу қонунчилик базасини шакллантириш, суғурта фаолияти устидан давлат назоратини ташкил этишни, ўзини-ўзи бошқариш жараёнларини ривожлантиришни назарда тутди. (С.Л. Ефимов, Е.Ф. Дюжиков, С.В. Ермасов, Н.Б. Ермасова, Е.В. Коломин, А.А. Цыганов, М. Ковальски, В. Белинськи, Д. Валчеж). Таъкидлаш жоизки, суғурта тизимига ушбу тавсифнинг ўзига хослиги суғурта тизимининг ҳуқуқий таркибий қисмини, шунингдек, давлатни тартибга солиш ва ўзини-ўзи бошқариш жараёнларини акс эттиради. Шу билан бирга, суғурта тизимининг ўзига хос хусусияти ва амалга оширишнинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ акс эттирадиган таърифнинг ишлаб чиқилиши талаб этилади.

3. Учинчи йўналиш суғурта тизимини суғурта муносабатлари субъектлари ўртасида маълум бир рисклар бўйича жавобгарликни тақсимлаш усуллари тўплами сифатида кўриб чиқади (В.Д. Базилевич, К.С. Базилевич, М.М. Александрова). Ушбу тавсиф суғурта тизимининг хусусиятларини мулкий ва жавобгарлик суғурта турлари бўйича суғурта ташкилоти томонидан олинган мажбурият ва рискни тақсимлашни акс эттиради.

Шундай қилиб, суғурта тизимини татқиқ этишда юқорида келтирилган учта йўналиш ҳам суғурта тизимини назарий жиҳатдан қисман акс эттиради.

Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, суғурта тизими такрор ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлашда қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодий агентлар мулкий манфаатларини суғуртавий ҳимоя қилиш учун суғурта фондини шакллантириш ва тақсимлаш бўйича иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Суғурта тизими суғурта ташкилотлари ва суғурталанувчи ўртасида қонун ҳужжатларида тартибга солинадиган иқтисодий муносабатларнинг бир тури бўлиб, у муайян ҳодисалар (суғурта ҳодисалари) бўлган ҳолларда суғурталанувчиларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий механизмдир. Суғурта тизимини кенгроқ талқин қиладиган бўлсак, ижтимоий, шу жумладан, пенсия суғуртасини, узоқ муддатли жамғариш функциясига эга суғурта турлари, шунингдек, ўзаро суғурта қилишни назарда тутди. Ўзбекистон суғурта тизимини тартибга солишда асосий қонуний ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг

52-боби ва 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади. Ушбу қонуний ҳужжатларда суғурта тизимига таъриф берилмаган.

Суғурта тизимининг ривожланиши уни амалга оширишда ички ва ташқи омиллар мавжудлиги билан ажралиб туради. Суғурта тизимининг қай даражада ривожланиши унинг макро ёки микродаражаларда амал қилаётгани ҳамда суғурта тизими субъектларининг ўзаро боғлиқлигини белгилаб беради. Суғурта ташкилоти фаолияти суғурта тизими ривожланишида асосий ўринни эгаллайди. Суғурта воситачиларининг кенг қўламда ривожланиб бориши суғурта хизматларини иқтисодиётнинг барча тармоқларига кириб боришини таъминлайди. Суғурта тизимининг самарадорлиги иқтисодиётнинг либераллашуви билан узвий боғлиқ. Шунинг учун суғурта тизимида глобаллашув жараёнларининг ривожланиш хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, суғурта муносабатларини глобализация қилиш жараёнининг ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Ижобий тарафлари шуки, рақобат муҳити шаклланади, суғурта тизими очик бўлади, суғурта ташкилоти ходимлари малакаси ошади, мижоз билан ишлаш жараёни такомиллашади. Суғурта тизимини либераллаштиришнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

1) сифати юқори бўлган суғурта маҳсулотларини мижозларга таклиф этиш;

2) янги мижозларни жалб қилиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатиш;

3) миллий суғурта бозорининг жаҳон суғурта бозори тенденциялари билан ҳамоҳанг ривожланиши;

4) капитал импорти билан бирга мамлакатга суғурта бизнесининг хориж тажрибаси кириб келиши;

5) суғурта активлари ва рискларни бошқариш бўйича хориж амалиётининг кириб келиши;


б) рақамли иқтисодиётни суғурта тизимида қўллаш имкониятлари.

Таъкидлаш жоизки, суғурта бозорининг либераллашуви суғурта компаниялари рақобатбардошлигини оширади ва юқори сифатли суғурта хизматлари кўрсатилишига олиб келади.

Диссертациянинг “Ўзбекистон суғурта тизимининг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланишининг асосий муаммолари” деб номланган иккинчи бобида суғурта тизимининг амалга ошириш механизмлари таҳлил қилинган.

Суғурта тизими механизмнинг амал қилиши суғурта муносабатлари иштирокчиларининг макро, мезо ва микродаражадаги ўзаро муносабатлари жараёнидир. Ушбу механизм ўз ичига суғурталашни амалга ошириш йўллари, усуллари ва воситаларини ўз ичига олади.

Суғурта бозорининг асосий иштирокчилари бўлиб суғурталанувчилар (жисмоний ва юридик шахслар), суғурта компаниялари (суғурталовчилар) ва суғурта воситачилари (брокерлар, суғурта агентлари) ҳисобланади. Миллий суғурта тизими фаолиятини таҳлил қилиб, ушбу тизимнинг ишлаш механизмини схематик тарзда тасвирлашимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Суғурта тизимининг амал қилиш механизмининг ташкил этишда суғурта тизими таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги⁵

Суғурта тизими механизмининг амал қилишини асосий суғурта муносабатлари иштирокчилари, яъни суғурталовчилар миқёсида таҳлил қилиш суғурта жараёнларини истеъмолчи нуқтаи назаридан намоён бўлишини кўрсатиб беради. Иқтисодий жараёнлар нуқтаи назаридан суғурта тизимининг амал қилиш механизми таҳлили эса унинг усуллари, воситалари ва тартибини аниқлаб беради.

Суғурта тизими ривожланишининг таҳлили бизга суғурта тизими ривожланишининг умумий тенденциялари ва ривожланишнинг устувор йўналишлари, суғурта бозорининг ривожланиши, унинг тузилиши, суғурта тизимининг самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга суғурта бозорининг ривожланиши миқдорий ва сифат кўрсаткичларини

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

таҳлил қилиш, суғурта муносабатларини иқтисодий ва ҳуқуқий тартибга солиш даражасини баҳолаш, суғурта тизимининг умумий ривожланишига таъсири даражасини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий суғурта бозорининг ривожланишини баҳолаш учун унинг ривожланиш кўрсаткичларини тўлиқ таҳлил қилишимиз зарур. Ўзбекистон суғурта бозори бир қатор миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан баҳоланади.


Қуйида келтирилган миқдорий кўрсаткичларга аҳамият беришимиз талаб этилади:

- суғурта ташкилотларини томонидан йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми;
- суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари;
- бозорда фаолият юритувчи суғурта ташкилотлари сони;
- суғурта бозори концентрацияси (Херфиндал-Хиршман индекси);
- суғурта ташкилотлари томонидан шаклланган капитал миқдори.

2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида 30 та суғурта компанияси рўйхатдан ўтказилган бўлиб, шундан 24 таси умумий суғурта тармоғида, 6 таси ҳаётни суғурталаш тармоғида фаолият юритади. 2018 йил мамлакатимизда 3 та янги суғурта ташкилоти фаолият юритишни бошлади, улардан икkitаси ҳаёт суғурта тармоғида, булар: “Euroasia Life” МЧЖ ва “Kafolat Nayot” МЧЖ ҳамда “Арех Insurance” МЧЖ умумий суғурта тармоғида фаолият юритмоқда.

2013 йилдан бошлаб таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йилда суғурта мукофотлари 4,7 марта ўсганлигини кўраимиз, яъни 2013 йилда 338,5 млрд. сўм, 2014 йил 439,1 млрд. сўм, 2015 йил 515,7 млрд. сўм, 2016 йил 692,6 млрд. сўм, 2017 йил 927,6 млрд. сўм ва 2018 йил 1,6 трлн. сўмни ташкил этди.


2018 йилда миллий суғурта бозорида тўпланган жами суғурта мукофотлари юқори ўсиш суръатларини кўрсатди ва 1,6 трлн. сўмни ташкил этди, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 76,3 фоизга юқори.



2-расм. Суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)⁶


⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига асосланиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Таҳлил қилинаётган даврда суғурта бозори ўсишининг асосий драйвери ихтиёрий суғурта хизматлари турлари ҳисобланади. Ҳаётни суғурталаш турлари бўйича мукофотлар ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари кузатилмоқда. 2018 йил якунларига кўра, ихтиёрий суғурта турлари бўйича мукофотлар ҳажми 1,4 триллион сўмга етди, бу ўтган йилги кўрсаткичдан 98,0 фоизга ошган. Бунда мажбурий суғурта турлари бўйича мукофотлар ҳам ижобий динамикани кўрсатди, аммо ўсиш суръати 13,0 фоизни ташкил этди. Мажбурий суғурта турлари бўйича йиғилган мукофотлар ҳажми 263,5 млрд. сўмга етди.



3-расм. Ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлари ҳажмининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)⁷

Мисол учун, агар 2017 йилда ихтиёрий суғурта турларининг улуши 74,8 фоизга ошган бўлса, 2018 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 9,05 пунктга ошди ва 83,9 фоизга етди. 2013 йилни базис йили деб таҳлил қилсак, 2018 йил ихтиёрий суғурта турлари бўйича жами суғурта мукофотлари 5,8 марта ошганлигини кўришимиз мумкин. Барча суғурта турлари бўйича жами суғурта тўловларининг ҳажми 2018 йилда 2013 йилга нисбатан 6,8 марта, яъни 66,9 млрд. сўмдан 460,8 млрд. сўмгача ўсди.




4-расм. Суғурта тўловлари ҳажмининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)⁸

⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига асосланиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига асосланиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

2017-2018 йилларда суғурта тўловлари ҳажмининг кескин ўсиши кузатилмоқда. Таҳлил қилинаётган даврда компанияларнинг тўловлари 71,0 фоизга ошди ва 460,8 млрд. сўмга етди. 2018 йилда бозорда умумий тўловлар ўсишининг сабаби ҳаёт суғуртаси шартномалари ва қишлоқ хўжалиги рисклари бўйича тўловларнинг ортиши билан ифодаланмоқда.



5-расм. Ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта тўловлари ҳажмининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)⁹

Ўзбекистон суғурта бозорида мунтазам юқори кўрсаткичларни қайд қилиб келаётган суғурта ташкилотлари фаолиятида ўзгаришлар рўй берди, умумий суғурта тармоғида етакчи учта ташкилотнинг концентрация даражаси 5,7 фоизга камайди ва 38,1 фоизни ташкил этди. Биринчи бешта ташкилотнинг бозордаги улуши 57,5 фоизга ошди, бу ўтган йилги кўрсаткичдан 2,4 фоизга кам. Биринчи ўнталикка кирувчи умумий суғурта тармоғида фаолият юритувчи ташкилотлар концентрация даражаси ҳам 1,9 фоизга камайди ва 80,9 фоизни ташкил этди. Биринчи ўнталикка кирувчи ташкилотларнинг концентрация даражаси пасайиши бозорда эркин рақобат учун шароитлар мавжудлигининг ижобий натижасидир.

Мамлакатда давлат суғурта назоратининг асосий вазифаси рақобатбардош бозор механизмларини ривожлантиришга таъсир этувчи ва бозорнинг бошқа иштирокчилари, суғурталовчилар ва суғурта хизмати истеъмолчиларининг хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатадиган, нархларни монополлаштириш каби бозор механизмларидан фойдаланишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган йирик ўйинчиларнинг бозорда пайдо бўлишига йўл қўймасликдир.

Ушбу ёндашув суғурта тизимининг сифат ва миқдорий таҳлилинини ўз ичига олади. Херфиндал-Хиршман (НН) индекслари концентрацияси юқори бўлган бозор ўйинчисини аниқлаш учун қўлланилади. НН индекслари суғурта бозорида мутаносиб концентрация даражасини акс эттиради,

⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига асосланиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

шунингдек, рақобат механизмларининг самарадорлиги тўғрисида маълумот беради. Шу билан бирга, ННІ индексининг муҳим хусусияти бу бозор иштирокчиларининг улушлари миқдорига кўпроқ эътибор қаратишдир. Индикаторнинг асосий мазмуни: компаниянинг бозордаги суғурта маҳсулотлари нисбати қанча кўп бўлса, монополиянинг пайдо бўлиш эҳтимоли шунча катта бўлади.

Херфиндал-Хиршман индекси тармоқдаги монополизация даражасини баҳолаш учун қўлланилади, бу тармоқдаги ҳар бир компаниянинг сотувдаги улуши квадратлари йиғиндиси сифатида ҳисобланади:

$$ННІ = S^2_1 + S^2_2 + \dots + S^2_n$$

Ўзбекистон суғурта бозорида умумий суғурта тармоғига мансуб биринчи бешта ташкилотнинг бозордаги концентрация даражасини аниқлаш учун юқорида келтирилган 2- жадвал маълумотларидан фойдаланилди.

$$ННІ = 14.6^2 + 13.9^2 + 12.6^2 + 9.6^2 + 5.7^2 = 689.78$$

Ваҳоланки, $ННІ \leq 1000$, ушбу кўрсаткич бозорда концентрация даражаси пастлигини кўрсатди, бу эса Херфиндал-Хиршман индекси моҳияти бўйича компаниялар бирлашиши ва бир-бири томонидан сотиб олинишига йўл қўйиш мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорида биринчи бешта суғурта ташкилотининг концентрация даражаси (Херфиндал-Хиршман индекси орқали топилган)

Si	14,6	13,9	12,6	9,6	5,7	
S²	213,16	193,16	158,76	92,16	32,49	689,78

Демак, суғурта ташкилотларида суғурта портфелини диверсификация қилиш ва концентрация даражасини аниқлашда Херфиндал-Хиршман(ННІ) индексидан фойдаланган ҳолда, суғурта бозори ва суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш механизмини таклиф этиш мумкин.

Суғурталовчиларнинг активлари, ўз капитали ва суғурта захираларининг сезиларли даражада ўсиши, биринчи навбатда, уларнинг инвестиция имкониятларини кенгайтиради, шунингдек, инвестиция фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилайдди. 2018 йил якунларига кўра, суғурта компанияларининг инвестиция портфели ҳажми 35,0 фоизга ошди ва 1995,6 млрд. сўмга етди.

Суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятида иштирокининг ўсиши ўз маблағлари, шунингдек, даромадлар ҳажмининг ошиши ва шунга мувофиқ суғурта захиралари миқдори билан боғлиқ. Маълумки, компаниялар, “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида”ги низомга мувофиқ (2008 йил 18 декабрь, 1882-сон), компаниянинг активларини диверсификация қилиш, қайтариш, сотиш ва ликвидлик принциплари асосида тақсимлашни назарда тутувчи инвестиция фаолиятини амалга оширади. Шу муносабат билан компания инвестициялари таркибининг динамикасини таҳлил қилиш

шуни кўрсатадики, корхоналар ҳали ҳам депозит ва қимматли қоғозларни ишончли инвестиция объектлари деб ҳисобламақда.

2-жадвал


Умумий суғурта тармоғида фаолият юритувчи суғурта ташкилотлари фаолияти таҳлили¹⁰

Т/р	Суғурта ташкилотлари номлари	Суғурта мукофотлари			Т/р	Суғурта ташкилотлари номлари	Суғурта тўловлари		
		млрд. сўм	ўзгариши, % да	тармоқдаги улуши, %			млрд. сўм	ўзгариши, % да	тармоқдаги улуши, %
1.	“Ўзагросуғурта” АЖ	178,0	132,6	14,6	1.	“Ўзагросуғурта” АЖ	65,6	70,4	33,3
2.	“Ўзбекинвест” ЭИМСК	169,1	129,3	13,9	2.	“Ўзбекинвест” ЭИМСК	31,0	152,9	15,8
3.	“Gross Insurance” МЧЖ	153,5	188,8	12,6	3.	“Кафолат суғурта компанияси” АЖ	30,6	128,0	15,5
4.	“Кафолат суғурта компанияси” АЖ	116,7	145,2	9,6	4.	“Gross Insurance” МЧЖ	15,0	131,6	7,6
5.	“Alfa Invest” МЧЖ СТ	82,5	133,3	6,8	5.	“Alfa Invest” МЧЖ СТ	9,1	128,3	4,6
6.	“Alskom” АЖ	69,0	149,7	5,7	6.	“Alskom” АЖ	8,8	78,1	4,5
7.	“Euroasia Insurance” МЧЖ ҚК СТ	59,4	194,1	4,9	7.	“Asia Inshurans” МЧЖ	7,8	160,9	4,0
8.	“Asia Inshurans” МЧЖ	56,6	160,6	4,6	8.	“Kapital Sug’urta” АЖ	6,3	99,6	3,2
9.	“Kapital Sug’urta” АЖ	55,7	224,6	4,6	9.	“Temiryo’l-Sug’urta” МЧЖ ҚК СТ	4,1	218,3	2,1
10.	“Temiryo’l-Sug’urta” МЧЖ ҚК СТ	45,3	161,3	3,7	10.	“Инго-Узбекистан” САЖ	3,1	205,5	1,6

2018 йилга мўлжалланган инвестицияларнинг сезиларли қисми депозитларга тўғри келади. Суғурталовчилар томонидан депозитларга қўйилган маблағлар ҳажми 54,0 фоизга ортиб, 1034,3 млрд. сўмни ташкил этди. Қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар ҳажми 706,6 млрд. сўмга етди, бу еса 2017 йилдаги кўрсаткичдан 10,0 фоизга ортиқ. Натижада жами инвестициялар бўйича депозитларнинг улуши 6,7 фоизга ошиб, 51,8 фоизни ташкил этди. Қимматли қоғозларнинг улуши 8,0 пунктга пасайди ва 35,4 фоизни ташкил этди.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига асосланиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Бундан ташқари кўчмас мулкка инвестициялар, ташкилотлар билан тузилган заём шартномалари, корхоналарнинг устав капиталида иштирок этиши 2017 йилдаги кўрсаткичга нисбатан ошган. Корхоналарнинг устав капиталида иштирок этиши учун қўйилган инвестициялар 2,0 баробар ортиб, 125,1 млрд. сўмни ташкил этди. Заём шартномалари сони 44,0 фоизга ортиб, 13,9 млрд. сўмни ташкил этди. Кўчмас мулкка киритилган инвестициялар 115,5 млрд. сўмни ташкил этди, бу ўтган йилги кўрсаткичдан 18,0 фоиз ортиқ. Компанияларнинг бошқа инвестициялари 80,0 фоизга камайди ва 0,2 млн. сўмни ташкил этди.



6-расм. Ўзбекистон суғурталовчиларининг инвестициялар ҳажми динамикаси (млрд. сўм)¹¹

Умуман олганда, 2018 йилда инвестициялар портфелида депозитларга қўйилган инвестицияларнинг улуши тез суръатлар билан ўсиб, қимматли қоғозга бўлган инвестицияларнинг улушида камайишни кўришимиз мумкин. Мазкур ўзгаришлар суғурта ташкилотларининг инвестиция портфелида ҳеч қандай сифат ўзгаришларига олиб келмади.

Суғурта хизматлари бозорининг асосий ривожланиш кўрсаткичларидан бири мамлакатда йиғилган умумий суғурта мукофотлари ҳажмининг аҳоли жон бошига тўғри келиши ҳисобланади. Ўзбекистонда 2018 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотлари 49 минг сўмни, 2017 йилда эса 28 878 сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон суғурта бозорининг таҳлили мамлакатда миллий суғурта хизматлари бозорининг ижобий тенденциялар билан ривожланаётганини кўрсатиб берди. Суғурта мукофотларининг аксарият қисмини гаров суғуртаси ташкил этганлиги сабабли суғурта бозорининг реал кўрсаткичларини баҳолаш қийин.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда суғурта тизими ва унинг амал қилиш механизмини такомиллаштириш йўналишлари”** деб номланган

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига асосланиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

учинчи бобида миллий суғурта тизимини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Ўзбекистон суғурта бозорининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилишда молиявий хизматлар бозорининг ушбу сегментида жисмоний шахслар ўртасида тадбиркорлик фаоллигини ошириш, суғурта тўловларининг ўсиши, суғурта компаниялари капиталлашув даражасининг ошиши ва суғурта компаниялари фаолиятига давлат томонидан назоратни кучайтириш масалалари кўриб чиқилган. Шунга қарамай, миллий суғурта тизимини ривожлантиришни фаоллаштириш имконини берадиган бир қатор муаммолар мавжуд.

Суғурта компаниялари капиталлашув даражасининг пастлиги суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу муаммони ҳал этишнинг бир йўли хорижий суғурта компанияларининг ички бозорга киришини тартибга солишдан иборат.

Хорижий компанияларнинг мавжудлиги суғурта бозорини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади ва биринчи навбатда, капитални жалб қилади. Масалан, Польшада суғурта бозори умумий активларининг 48 фоизи ва капиталнинг 73,5 фоизи хорижий инвесторлар томонидан бошқарилади. Польша ҳозирги босқичда Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари суғурта бозорининг етакчиларидан биридир. Хориж инвесторлар фаолиятини миллий суғурта бозорида янада ривожлантириш мамлакатда оқилона сиёсат ва тартибга солувчи дастаклар билан амалга оширилади.

Суғурта тизими инфратузилмасида номутаносиблик мавжуд. Ўзбекистон суғурта бозорида ҳозирда брокерлар институти деярли фаолият юритмайди. 2019 йил 1 январь ҳолатига мамлакатда 30 та суғурта компанияси, 3 та суғурта брокери фаолият юритмоқда, иқтисодий ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич суғурта компаниялари учун ўнлаб, юзлаб воситачиларни ташкил этади. Брокерлар институти фақат халқаро суғурта компанияларида қайта суғурта воситачиси сифатида фаолият юритади. Ушбу муаммонинг асосий ечимларидан бири суғурта брокерлари фаолияти давлат томонидан тартибга солинишини мувофиқлаштиришдир.

Миллий суғурта тизимининг инвестиция салоҳияти талаб даражасида эмас, демак, суғурта компаниялари инвестицион фаоллигини ошириш мақсадга мувофиқ. Суғурталовчининг институционал инвестор сифатида роли иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон суғурта компаниялари институционал инвесторлар каби ўзларини намоён эта олгани йўқ, 2018 йил умумий инвестицияларнинг 88,6 фоизини паст рентабеллик даражасига эга корпоратив қимматли қоғозлар ва депозитларга жойлаштирилган. Суғурта компанияларининг институционал инвесторлар сифатида ролини ошириш учун активларни рентабеллиги баланд ва узоқ муддатли инвестицияларга жойлаштириши мумкин. Инвестицион фаолиятни ривожлантиришда иштирок этиш учун суғурталовчиларни жалб қилиш лозим.

Суғурта муносабатларини иқтисодий ва ҳуқуқий тартибга солиш суғурта муносабатлари иштирокчилари фаолиятини бозор воситалари ёрдамида тартиб солиш ҳисобланади. 2019 йил 17 январда ПФ-5635-сонли Фармон билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди, унда Ўзбекистонда суғурта бозорини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб қўйилган.

Ушбу дастурга мувофиқ, Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантиришнинг асосий мақсади жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини суғурта орқали ҳимоялаш даражасини ошириш, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда суғурта бозорининг самарали фаолиятини таъминлаш, замонавий бозор инфратузилмасини қўллаш орқали инвестицион ресурсларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг самарали бозор механизмларини шакллантиришдан иборатдир.


Инновацион иқтисодиёт шароитида ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли ортиб бормоқда. Суғурта фаолиятида ўзини-ўзи бошқариш суғурта фаолиятини давлат назорати органлари иштирокисиз тартибга солиш бўлиб, бунга жаҳон амалиётида биринчи навбатда суғурталовчилар ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотлари киради.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўзини-ўзи бошқариш амалиёти давлат назоратига қарши фаолият эмас. Ўзини-ўзи бошқариш меъёрлари суғурта муносабатларини давлат томонидан тартибга солишни кенгайтиради ва такомиллаштиради. Ўзбекистон миллий суғурта тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида ўзини-ўзи бошқаришнинг институционал тузилмасини шакллантириш ва суғурта муносабатларини тартибга солишда мавжуд бўлган муаммоларга қарамасдан, Молия вазирлиги қошидаги Давлат суғурта назорати инспекцияси ходимларининг сони бўйича чекловлар мавжуд.

Ўзини-ўзи бошқариш суғурта компанияси ва суғурта хизматлари истеъмолчиси ўртасида турли хил зиддиятли вазиятларни ҳал этишда воситачи сифатида хизмат қилиши мумкин. Маҳаллий суғурта амалиётида “ҳакамлик” институти бўлиш жараёни долзарбдир. Ишни судга келмасдан тортишувли масалаларни ҳал қиладиган бундай мустақил органнинг фаолияти суғурта соҳасидаги бозор муносабатларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди (7-расм).

Миллий суғурта тизимининг муваффақиятли ривожланишида асосий омил замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш ҳисобланади. Шу муносабат билан суғурта компаниясида бизнес-жараёнларнинг молиявий инжинирингини амалга ошириш муҳимдир.

Бизнес-жараёнларни тавсифлашнинг асосий мақсади компаниянинг умумий тузилишини акс эттирган мантиқий схема шаклида тасвирлаш ҳисобланади. Бизнес-жараёнларни таҳлил қилиш, авваламбор харажатларни камайтиришни кўзда тутаяди.



7-расм. Ўзбекистон суғурта тизимининг амал қилишидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари¹²

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Суғурта ташкилотлари бизнес жараёнлари методологияси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- суғурта компаниясини ривожлантириш учун истиқболли йўналишларни белгилаши керак бўлган фаолиятни стратегик режалаштириш таъминланади;

- суғурта компаниясининг, шунингдек, унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини мақбуллаштиришга имкон берувчи ташкилот тузилмасини яратиш имкони туғилади;

